

**Москва ва бутун Русь Патриархи КИРИЛЛНИНГ архипастирь, пастирлар,
диаконлар, роҳиблар ва Рус Православ Черковининг
барча содиқ жамоатига
Рождество мурожаати
Худовандга содиқ архипастирлар, софдил кашишлар ва диаконлар,
Худовандга ихлосли зоҳид ва зоҳидалар, қадрли ака-укалар ва опа-
сингиллар!**

Барчангизни Нажотбахш Раббимиз Исо Масих мавлуди – порлоқ Рождество байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Икки минг йилдан зиёд муддат аввал содир бўлган мўжиза – Худованднинг инсон боласи сиймосида таваллуд топгани ҳали ҳануз дилларимизни хушнуд қилиб келмоқда. *Худованд ерга тушган – ва бандаси аршга кўтарилган кун* (байрамнинг кечки ибодатидаги шеърдан). Яратгувчи Эгамиз дунёга тушди, зеро ўз Марҳамати билан *шайтон васвасасида қолган бандаларига бефарқ бўлолмади* (муқаддас Сувда Имон Келтириш); *севгиси устун чиққан, Боши йўқ ва Ботин эгам адашган бандаларини қутқармоқ учун келди* (Роман Сладкопеев маърузасида йўқотилган драхма ҳақида ҳикоят).

Худованд Каломини етказувчиларнинг мўжизали башоратлари рўёбга чиқди ва минг йилларки нажотга муҳтож бўлган, гуноҳларга ботган, нафақат бу дунёда, балки омонатини топширгач ҳам тавқи лаънат азобини чеккан инсоният учун Осмон эшиклари очилди. Раббимиз Исо Масих *Бокира қиз ила инсон вужудида зоҳир бўлди* (Муқаддас Она Мавлуди қонуни) ва жаннат эшикларини оловли ханжар ила тўсиб турган фаришта *ҳаёт дарахтидан чекинди* (байрамнинг кечки ибодатидаги шеърдан). Оламни қутқармоқ учун Илоҳий Чақалоқ таваллуд топди, *Қонунга бўйсуниб юрди, токи бизни Қонунга қул бўлишдан қутқарсин ва ўгиликка қабул қилсин* (Гал. 4, 4-5).

Яратганнинг тавозесини бандаси англамас: Қодир Худованд бўлса-да, ожиз чақалоқ сиймосида келди, Худо бўлса-да, фоний танага кирди ва осий ҳаёт ташвишларини тотди, Боқий бўлса-да, ўз ихтиёри ила азобли ва шармандали ўлимга боқди. Ва бу амалини у танланганлар – пайғамбарлар ва авлиёлар учун эмас, балки ўзининг содиқ жамоати учун қилди. Исо Масих ҳар биримиз учун келди, У барчага – осийлар ва жинойткорларга, лоқайд ва бепарволарга, кўрқоқ ва золимларга ва, ҳатто, Ўз қотилларига нажот улашишни истади!

Худо ҳеч кимни рад этмайди, ҳеч кимдан ҳазар қилмайди, аксинча – биз инсонлар танасини қабул қилади, инсон танасида таваллуд топиш, хочга қоқилиш азоби ва Тирилиш ила уни янгилайди, уни Муқаддас Учлик қалбига кўтаради, Худованд тахтининг ўнг томонидан ўрин олиш орқали ёритади. Ва

ушбу Масихнинг Жон бахш этилган Вужуди, барчамиз учун тўкилган Унинг Соф Қони ила Евхаристие маросими ила тозаланамиз – нафақат Раббимиз, балки бир-биримиз билан бир тану бир жон бўламиз.

Бироқ, бугун кўрмоқдамизки, турли қора кайфиятлар тўлкини Черков кемасини чайқатмоқда, адоват ва зиддиятлар пўртанаси православ насронийларни пароканда қилмоқда, душман ва нафс балосига учраган бандалар Тирик Булоқдан кўра *лойқа ва ичишига ярамайдиган бадҳид бидъат булогидан сув ичишни азал кўрмоқдалар* (I Умумжаҳон соборининг авлиё оталар қонуни). Ҳар биримиз учун мураккаб бўлган бундай кунларда Исо Масих ҳар биримиз учун туғилгани, хочга қоқилгани ва тирилганини, У ерда Ягона, Муқаддас, Собор ва Апостоллар Черковини яратганини ёдда тутмоғимиз муҳим. Черков жамоати эканмиз, ёт кайфиятларни, зиддиятлар ва низоларни енгиш, парчаланганларни бирлаштириш, уруш даҳшатларини бошидан кечираётганларга, адолатсизлик ва жабр-зулмдан азоб чекаётганларга ёрдам бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Исо Масих подшолар саройида эмас, балки ғариб ғорда, мудхиш қашшоқликда таваллуд топган. Ғор ва мол охуридан аянчли нарса бормикан? Ҳа, шундай жой бор – бу Худодан узоқлашган, совуққон, бўм-бўш, хирс қулига айланган инсон қалбининг гуноҳлар ила куйган саҳроси. Аммо, Худони қалбимизга жо қилиш, Худо яқинлигини, остонада эканини, қачон унга иймон кўзлари билан қарашимизни, уни ҳаётимизга киритишимизни, унинг Каломига кулоқ тутишимизни, унинг севгисига жавоб беришимизни кутаётганини эслаш, Унинг Ўзига биз орқали ҳаракат қилишга изн бериш ўз кўлимиздадир.

Раббимиз Исо Масих мавлудини бутун олам тантана қилмоқда: фаришталар қасидалар куйламоқда, қўйчивонлар байрам қилмоқда, сеҳргарлар Унга бош эгмоқда ва тухфалар бермоқда, фақатгина Ироднинг қаҳр-ғазабга ва ҳасадга тўлган юрагигина қувонмаяпти – у даҳшатга тушган, аммо Худо олдида эмас, балки кўрқоқлиги туфайли шу аҳволда. Ўйлаб кўрайликчи, ўз ишларимиз билан унга монанд бўлиб қолмаяпмизми, шахсий манфаатларимиз ва ҳузуримизни биринчи ўринга қўймапмизми, кимдир биздан кўра яхшироқ, қобилиятлироқ ва меҳрлироқ бўлишидан кўрқмаяпмизми, ўзимизни олий даражага кўтариш учун шундай инсонларни бошқалар олдида изза қилишга, номини булғашга, мартабасини пасайтиришга интилиб, уларга зулм қилмаяпмизми? Биз учун ҳақиқат манбаи Худо, унинг ақидалари эмас, ўзимиз бўлиб қолмаяпмизми? Ўзимизнинг фақат ўзимизгагина қулай бўлган ўй-фикрларимизни ҳақиқат деб кўрсатиб, бошқаларни ҳақ йўлдан оғдирмаяпмизми? Ўзимизнинг кибр тўла иш-ҳаракатларимиз билан Исо Масих кийимини парчаламаяпмизми, диндошларимиз ўтрасида адоват уруғини сочмаяпмизми?

Худованд Чақалоқ Исо Масихга кўз тикар эканмиз, илоҳий ҳақиқат юзига юз тутар эканмиз, хирс ва *бизни тубанликка чўктираётган гуноҳ юкини*

ташлайлик (Евр. 12, 1), Православия бирлигини мустаҳкамлаш ва севгини кучайтириш учун ибодатда муқим бўлайлик, унутмайликки, *Севги сабрли ва кўнгилчандир. Севги ҳасад қилмас, кеккаймас, шишинмас. Севги бебошлик қилмас, худбинлик қилмас. Аччиқланмас, кек сақламас. Севги ноҳақликка севинмас, аксинча, ҳақиқат ила шод бўлур. Севги ҳар нарсани кўтарар, ҳар йўлда ишонч ҳосил қилар, ҳар шароитда умид сақлар, ҳар нарсага тоқат қилар* (1 Кор. 13, 4-7).

Байрам ибодатлари матнида нафақат бизга нажоткор бўлиш учун туғилган Раббимиз Исо Масих, балки Унинг сиймоси пайдо бўлишига сабабчи бўлган бокира Мария ва Дурадгор Иосиф, муқаддас оталар мадҳ этилади. Ушбу тантанали кечада биз ҳам ўз яқинларимизни эслайлик – ота-оналаримиз ва дўстларимизни зиёрат қилайлик, уларга эътибор қилайлик, ширин сўзлар айтайлик, биз учун қилган ҳар ишлари учун миннатдорчилик билдирайлик. Яратганга ва яқинларимизга муҳаббат билан тўлган қалбларимиз Меҳрибон Исо Масих маконига айлансин, *Боқий ва Идрок этиб бўлмайдиган, Мавжуд Отага* (кечки байрам ибодати седалени). Амин.

МОСКВА ВА БУТУН РУСЬ ПАТРИАРХИ

Исо Масих Рождествоси
2019/2020 й.
Москва